

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**49-сон**  
**(913)**  
**2019 йил**  
**9 декабрь**

---

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

889. «Волонтерлик фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 декабрдаги ўРҚ–585-сон Қонуни

890. «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар кириштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ўРҚ–586-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

891. «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 декабрдаги ПҚ–4541-сон қарори

892. «Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъ-

миноти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 декабрдаги ПҚ-4542-сон қарори [Кўчирма]

893. «Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 декабрдаги ПҚ-4543-сон қарори
894. «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон қарори [Кўчирма]

### *Бешинчи бўлим*

895. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 29 октябрдаги 546-сон «Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532-1*)
896. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 1 ноябрдаги 8-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 30-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-3*)
897. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 18 ноябрдаги 390-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-5*)
898. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 14 ноябрдаги 147-сон «Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2899-1*)
899. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 18 ноябрдаги 2019-61-сон «Қимматли қоғозлар муомаласининг махсус тартибини ўрнатиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3199*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 30 ноябрдан 6 декабргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**889** **Волонтёрлик фаолияти тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 6 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади волонтёрлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**волонтёр** — волонтёрлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс;

**волонтёрлар гуруҳи** — ушбу Қонунда белгиланган нормалар татбиқ этиладиган, волонтёрлик фаолиятини биргаликда амалга ошириш мақсадида ташкил этилган, ўн нафаргача кишидан иборат бўлган шахсларнинг ихтиёрий гуруҳи;

**волонтёрларни мувофиқлаштирувчи** — волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси, волонтёрлик ташкилоти томонидан тайинланган ёки волонтёрлар ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун жавобгар бўлган волонтёрлар гуруҳи таркибига кировчи волонтёрлар томонидан сайланган жисмоний шахс;

**волонтёрлик** — фуқаролар, уларнинг гуруҳлари ёки волонтёрлик таш-

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.

килотлари томонидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ихтиёрий фаолиятни амалга ошириш;

**волонтёрлик акцияси** — волонтёрлик ташкилоти, волонтёрлар ёки волонтёрлар гуруҳи томонидан бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан аниқ йўналтирилган, жамоат учун фойдали вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир марталик тадбир;

**волонтёрлик ташкилоти** — қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва волонтёрлик фаолиятини амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилоти;

**волонтёрлик фаолияти** — жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бепул асосда амалга ошириладиган, эркин хоҳиш-иродага кўра бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият;

**волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси** — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек волонтёрларни мустақил равишда ёки волонтёрлик ташкилотлари орқали жалб қилувчи жисмоний шахслар.

#### **4-модда. Волонтёрлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари**

Волонтёрлик фаолиятининг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, жамиятда фуқаролик нуқтаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Волонтёрлик фаолиятининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларни аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган турли хил жамоат фаолиятига жалб этиш механизмларини шакллантириш;

ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга ёрдам кўрсатиш;

волонтёрлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва кўзлаб-қувватлаш;

аҳолида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш;

фуқаролар томонидан ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун ўзини ўзи намоён этиш ва ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаларини олиш.

#### **5-модда. Волонтёрлик фаолиятининг асосий принциплари**

Волонтёрлик фаолияти қонунийлик, инсонпарварлик, тенглик, ихтиёрийлик, беғаразлик принципларига асосланади.

#### **6-модда. Волонтёрлик фаолиятининг шакллари ва асосий йўналишлари**

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

якка тартибдаги волонтёрлик фаолияти;

волонтёрлар гуруҳи таркибидаги волонтёрлик фаолияти;  
волонтёрлик ташкилоти орқали волонтёрлик фаолияти.

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

кам таъминланганларни, ишсизларни, кўп болалиларни, бошпанасизларни, қаровсиз қолганларни, шунингдек ижтимоий реабилитацияга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида волонтёрлик ёрдами кўрсатиш;

беморларни, ногиронлиги бўлган шахсларни, ёлғизларни, қарияларни ҳамда ўзининг жисмоний, моддий ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли қўллаб-қувватлашга ва ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни парвариш-лаш;

табiiй ёки техноген тусдаги фавқулодда вазият оқибатида, алоҳида режим, фавқулодда ҳолат жорий этилганда, ижтимоий можаролар, бахтсиз ҳодисалар натижасида жабрланган фуқароларга, шунингдек жиноятлардан жабрланганларга, қочқинларга ёрдам кўрсатиш;

ўзининг жисмоний ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши чекланган шахсларга ёрдам кўрсатиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий меросни, тарихий-маданий муҳитни, дафн этиш жойларини сақлаб қолиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;

оммавий спорт, маданий тадбирларни ва бошқа жамоат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ миллий ҳамда халқаро аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишга кўмаклашиш;

алоҳида давр ва фавқулодда ҳолат ҳуқуқий режимларининг амал қилиши вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, бошқа ҳарбий идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтёрлик ёрдами кўрсатиш.

Волонтёрлик фаолияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **7-модда. Волонтёрлик дастури**

Волонтёрлик дастури волонтёрлик ташкилоти, волонтёрлар ёки волонтёрлар гуруҳи томонидан тадбирларни ва кутилаётган натижаларни кўрсатган ҳолда бажариладиган, ижтимоий йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Дастур:

волонтёрлик фаолиятини ривожлантиришга;

фуқароларнинг ва волонтёрлик ташкилотларининг волонтёрлик фаолигини рағбатлантириш тизимини ривожлантиришга;

волонтёрларни ва волонтёрларни мувофиқлаштирувчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга;

турли волонтёрлик ташкилотлари ҳамда волонтёрлик меҳнатидан фойдаланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги шериклик тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олиши керак.

**8-модда. Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олиш**

Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олиш ихтиёрий хабардор қилиш хусусиятига эга бўлади.

**2-боб. Волонтёрлик фаолияти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш****9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

волонтёрлик фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг ишини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади;

волонтёрлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва тажриба алмашишга қўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

жойларда волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан волонтёрлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилади;

волонтёрлик фаолиятининг мониторингини амалга оширади;

волонтёрлик фаолияти амалиётини таҳлил қилиш, йиғиш ва умумлаштиришни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг волонтёрлик фаолияти соҳасида иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат

ташкilotлари ва фуқаролар волонтерлик фаолияти соҳасида иштирок этишга ҳақлидир ҳамда оммавий волонтерлик акцияларини қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

### **3-боб. Волонтерлик фаолияти субъектлари. Волонтерлик соҳасидаги муносабатлар**

#### **12-модда. Волонтернинг фаолияти**

Ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолиятини, башарти бу фаолият уларнинг соғлиғига ҳамда ахлоқий ривожланишига зарар етказмаса ва ўқув жараёнини бузмаса, амалга ошириши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларининг олдини олиш ва уларни барта-раф этишга доир ишларни амалга ошириш учун фақат ўн саккиз ёшдан катта бўлган волонтерларга ижозат берилади.

Волонтер куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг волонтерлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этишини ушбу Қонунда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда эркин танлаш;

агар волонтер ҳамда волонтерлик фаолиятининг ташкilotчиси ўртасида тузилган волонтерлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай вақтда волонтерлик фаолиятини эркин равишда тугатиш;

волонтерлик фаолиятининг ташкilotчиси ва волонтерлик ташкilotи тўғрисида ишончли ахборот олиш;

волонтерлик дастурларини бажариш, волонтерлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкilot этиладиган ёки тавсия қилинадиган волонтерлик акцияларини ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

волонтерлик фаолияти ташкilotчисидан ва волонтерлик ташкilotидан махсус кийим-бош олиш ҳамда йўл ҳақиғига, яшашга, овқатланишга, зарур якка тартибда ҳимояланиш воситаларини, асбоб-ускуналарни олишга сарфланган харажатларнинг ва бошқа харажатларнинг ўрни қопланиши;

волонтерлик фаолияти ташкilotчисидан ва волонтерлик ташкilotидан тавсиянома тусидаги хатларни олиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ташкilotларига ва табиатни муҳофаза қилувчи ҳамда ўрмон муассасаларининг ҳудудига мазкур ташкilotлар ва муассасалар раҳбарияти билан келишувга кўра волонтерлик фаолиятини амалга ошириш учун кириш;

волонтерлик ташкilotининг, волонтерлик фаолияти ташкilotчисининг маблағлари ҳисобидан ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилдириш.

Волонтер:

волонтерларни мувофиқлаштирувчидан, волонтерлик ташкilotидан ҳамда волонтерлик фаолиятининг ташкilotчисидан олинган топшириқларни виждонан бажариши;



фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги, ўз фаолияти билан учинчи шахсларга ва атроф-муҳитга зарар етказмаслиги;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган махфий хусусиятга эга маълумотларни ошкор этмаслиги;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўзига берилган моддий ресурслар ҳамда асбоб-ускуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши ва иш тугаганидан кейин уларни қайтариши;

давлат органларининг мансабдор шахсларига ўз ваколатларини амалга оширишида тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Волонтёр қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **13-модда. Волонтёрларни мувофиқлаштирувчининг фаолияти**

Волонтёрларни мувофиқлаштирувчи волонтёрлик фаолияти ташкилотчиси томонидан ёхуд волонтёрлик дастурини ёки волонтёрлик акциясини амалга ошириш учун жавобгар бўлган волонтёрлик ташкилоти томонидан тайинланади ёхуд волонтёрлар гуруҳи таркибига кирувчи волонтёрлар томонидан улар орасидан сайланади.

Волонтёрларни мувофиқлаштирувчи волонтёрларга йўл-йўриқ кўрсатади, улар ўртасида ишни тақсимлайди, ҳар бир волонтёрнинг иш жойи ва иш ҳажмини белгилайди, ишнинг улар томонидан бажарилишини назорат қилади.

Волонтёрларни мувофиқлаштирувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек волонтёрлар гуруҳлари билан ҳамкорлик қилади.

### **14-модда. Волонтёрлик ташкилотининг фаолияти**

Волонтёрлик ташкилоти волонтёрлик дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади ҳамда волонтёрлик фаолияти ташкилотчиси билан биргаликда ёки волонтёрларни жалб қилган ҳолда мустақил равишда волонтёрлик акцияларини ўтказиши.

Волонтёрлик ташкилоти волонтёрларни мувофиқлаштирувчинини тайинлайди, у ўз фаолиятини ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ амалга оширади.

Волонтёрлик ташкилоти волонтёрларни ўқитиш учун таълим фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни жалб этиш, махсус семинарлар, ишчи учрашувлар ва волонтёрларнинг учрашувларини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Волонтёрлик ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда волонтёрларни рағбатлантиришни амалга оширади, шунингдек энг кўп ўзини кўрсатган волонтёрларни рағбатлантириш ва (ёки) мукофотлаш учун номзодларни волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчисига, шу жумладан волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси бўлмаган давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этади.

Волонтёрлик ташкилоти нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

**15-модда. Волонтёрлик фаолияти ташкилотчисининг ваколатлари**

Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси:

волонтёрлик дастурлари амалга оширилишини ва волонтёрлик акциялари ўтказилишини ташкил этади;

волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва рағбатлантиришга оид давлат дастурларининг амалга оширилишида иштирок этади;

волонтёрлик ташкилотига ва волонтёрга режалаштирилаётган ҳамда амалга оширилаётган волонтёрлик дастурлари ва волонтёрлик акциялари, улар иштирокчиларининг сони, акциялар ўтказиладиган жой ҳамда вақт, уларни ўтказишга доир талаблар тўғрисида ахборот тақдим этади, шу жумладан ўз расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ахборот тақдим этади;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш чоғида волонтёрнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз шарт-шароитлар яратади;

волонтёрлик ташкилотига ва волонтёрга тавсия тусидаги хатлар тақдим этади;

волонтёрга махсус кийим-бош беради ҳамда унинг ҳақиқий яшаш жойидан волонтёрлик акцияси ўтказилаётган жойга келиши ва у жойдан қайтиши учун йўл ҳақи, яшаш, овқатланиш, зарур якка тартибда ҳимояланиш воситаларини, ускуналарни сотиб олиш харажатларининг ва бошқа харажатларининг ўрнини қоплайди;

хавфли, зарарли ҳамда ноқулай омиллар билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб қилинган волонтёрларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий тартибда суғурта қилишни амалга оширади.

**16-модда. Волонтёрлик шартномаси**

Волонтёрлик волонтёр ва волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси ўртасида ушбу Қонуннинг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси, агар у волонтёрлик фаолияти билан ойига 20 соатдан кўпроқ банд бўлса, волонтёр билан волонтёрлик шартномасини тузиши шарт.

Волонтёрлик шартномаси икки нусхада расмийлаштирилади, улардан бири волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчисида, иккинчиси эса волонтёрда сақланади.

**17-модда. Волонтёрлик шартномасининг мазмуни**

Волонтёрлик шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

волонтёр волонтёрлик дастури, акцияси вақтида амалга оширадиган фаолиятнинг тавсифи;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш даври;

иш соатлари ва кунлари;

ишониб топширилган моддий қимматликларнинг қиймати кўрсатилган ҳолдаги тавсифи;

шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси томонидан бериладиган имтиёзлар;

белгилаб қўйиладиган касбий талаблар, ижтимоий кўникмалар, ривожланиш манфаатлари, зарур бўлганда, соғлиғининг ҳолатига доир талаблар; тарафларнинг етказилган зарар учун жавобгарлиги; шартномани бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари.

Агар волонтёрлик шартномасини бажариш жараёнида волонтёрнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни амалга оширишни қийинлаштирадиган ҳолатлар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келса, шартнома қайта кўриб чиқилади.

Агар волонтёрлик шартномасини бажариш жараёнида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра шартномани бундан буён бажариш мумкин бўлмай қоладиган ҳолатлар юзага келса, шартнома тарафлардан бирининг ташаббусига кўра бекор қилинади.

Волонтёрлик шартномасини бир томонлама тартибда бекор қилиш, агар волонтёрлик шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, волонтёр томонидан ёки жалб этилган ташкилот томонидан бу ҳақда етти кун олдин дастлабки тарзда хабардор қилиш шarti билан ва сабабларни кўрсатиш мажбуриятларисиз амалга оширилади.

Якка тартибдаги меҳнат шартномасини ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини ёхуд шу каби ҳар қандай бошқа шартномани тузишдан бош тортиш мақсадида волонтёрлик шартномасини тузиш тақиқланади.

#### **4-боб. Волонтёрлик фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш**

##### **18-модда. Волонтёрлик фаолиятини рағбатлантириш чоралари**

Волонтёрлик фаолиятини илгари суриш ҳамда амалга ошириш борасидаги хизматларини эътироф этиш ва баҳолаш белгиси сифатида жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ мукофотланиши мумкин.

Давлат органлари волонтёрлик фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда волонтёрлик фаолияти соҳасидаги хизматларни эътироф этиш бўйича турли фестиваллар ўтказиши мумкин.

##### **19-модда. Волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва молиявий таъминлаш**

Волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари хайрия ёрдами тарзида қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

моддий-техника таъминоти;

мулкий таъминот;

қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шакллари.

Волонтёрлик фаолиятининг молиявий таъминоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз маблағлари ёки жалб этилган маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **20-модда. Волонтёрлик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш**

Волонтёрлик фаолияти оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёритилиши мумкин.

#### **21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **22-модда. Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### **24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### **25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 декабрь,  
ЎРҚ-585-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**890** Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 8, 470-модда) **4-моддаси 3-бандининг 1-кичик бандидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 261-модда, № 9, 589-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 26-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи миқдоридан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 декабрда эълон қилинган.

**иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи миқдорига» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **29-моддадаги** «энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи миқдори» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **31-моддадаги** «энг кам иш ҳақининг камида етмиш беш фоизи» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг камида 26,5 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **32-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақининг етмиш беш фоизи» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **33-моддадаги** «энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «**Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида**»ги 661–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 359-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-моддадаги** «энг кам иш ҳақиға нисбатан — ишнинг бир соатига 0,015-0,020» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан — ишнинг бир соатига 0,0053-0,0071» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақиға нисбатан — 0,010-0,015» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан — 0,0036-0,0053» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақиға нисбатан — ишнинг бир соатига 0,015-0,020» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқ-

дорига нисбатан — ишнинг бир соатига 0,0053-0,0071» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги 734–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) **10-моддасининг учинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 839–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–410-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 275-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **33-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 846–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **11-моддасидаги** «энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 873–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Соғлом авлод учун**» **ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 257-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **4-моддасидаги** ва **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул

қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **28-модданинг:**

«**а**», «**б**», «**г**» ва «**д**» **бандларидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**е**» **бандидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**ж**» — «**м**» **бандларидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **29-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «50» рақами «75» рақами билан алмаштирилсин;

4) **31-модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади»;

5) **49-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблашнинг базавий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **56-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 63-модданинг тўртинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1038–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Ўзбекистон Қаҳрамони**» унвони тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 113-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақи миқдориди» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдориди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1040–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Мустақиллик**» **ордени тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1042–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Дўстлик**» **ордени тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 117-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1044–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Жасорат**» **медали тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 119-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1046–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Шуҳрат**» **медали тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 121-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **156-модданинг биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **177-модданинг учинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида**»ги 1060–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда) **14-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9,

181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **44-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **62-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **82-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **88-модда биринчи қисмининг «б» кичик бандидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **Махсус қисмининг моддалари матнидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» ва «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **Махсус қисм саккизинчи бўлимнинг:**

«**Анча миқдор**», «**Анча миқдордаги зарар**», «**Кўп миқдор**», «**Кўп миқдордаги зарар**» ва «**Кўп бўлмаган миқдор**» атамаларининг ҳуқуқий маъносидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**Жуда кўп миқдор**» ва «**Жуда кўп зарар**» атамаларининг

**ҳуқуқий маъносидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**40-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 июлда қабул қилинган ЎРҚ–98-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Содиқ хизматлари учун**» медалини таъсис этиш тўғрисидаги **низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**41-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431,

433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **76<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **113-модда биринчи ва иккинчи қисмларининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **119-модданинг санкцияларидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **164-модданинг тўртинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **171-модда иккинчи қисми 9-бандининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақининг беш бараваридан» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,76 бараваридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақининг икки баравари» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 70,3 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақининг эллик фоизи» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 17,6 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **174-модданинг 1-бандидаги** «энг кам иш ҳақининг тўрт баравари» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **179-модда:**

**1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги** «энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**14-бандининг биринчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 2,11 бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**20-бандидаги** «энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 баравари миқдори доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **180-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «энг кам иш ҳақининг тўрт баравари» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **186-модданинг биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» ва «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **264-модда учинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбо-**

**шиларидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **311-моддадаги** «энг кам иш ҳақидан», «энг кам ойлик иш ҳақидан», «энг кам иш ҳақининг», «энг кам ойлик иш ҳақининг» ва «энг кам иш ҳақи» деган сўзлар тегишинча «базавий ҳисоблаш миқдоридан», «базавий ҳисоблаш миқдорининг» ва «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**42-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган «**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–210-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 137-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) **12-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақи» деган сўзлар «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**43-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–235-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 467-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**44-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **16-моддасининг иккинчи қисмидаги** ва **17-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**45-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–332-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Мардлик**» **ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/1, 241-модда) **4-моддасидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**46-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган «**Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–386-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5,

179-модда; 2018 йил, № 7, 433-модда) **8-моддасининг олтинчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**47-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **167-модда биринчи қисмининг «а» ва «б» кичик бандларидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **239-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақи миқдори» ва «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **260-модда «г» кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги, 282-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **299-модданинг 8-бандидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **338-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**48-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган «**Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–420-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда) **24-моддасининг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**49-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–451-сонли Қонуни билан тасдиқланган «**Келажак бунёдкори**» медали тўғрисидаги **низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 12, 769-модда) **4-моддасидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



**50-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **132-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **134-модданинг тўртинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдоридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **146-модданинг учинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**51-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **116-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **125-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **203<sup>2</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **113-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **122-модданинг иккинчи қисмидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**53-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелда қабул қилинган «**Давлат харидлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–472-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 220-модда) **19, 43, 46, 50, 53** ва **59-моддаларидаги** «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**54-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда) **22-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**55-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**56-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 3 декабрь,  
ЎРҚ–586-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 891 Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш борасида етарли даражада қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди.

Шу билан бирга, матбуот, оммавий ахборот воситалари, ахборот тарқатиш, аҳолини холис ва тезкор ахборот билан таъминлаш, мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликларни чет давлатларга, чет давлатлардаги воқеа-ҳодисаларни мамлакатимиз аҳолисига тезкорлик билан етказиш бўйича амалдаги тизим бугунги кун талабларига жавоб бераёпти.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асл мазмуни ва моҳияти ҳақида холис хабарларни аҳолининг барча қатламларига ҳамда дунё ҳамжамиятига тезкорлик билан ва сифатли етказиш, миллий ахборот маконини ривожлантириш, глобал ахборот майдонида республиканинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (кейинги ўринларда — ЎЗА) республика ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий ахборотларни тарқатувчи расмий ахборот агентлиги эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЎЗАнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид расмий маълумотларни излаш, олиш, қайта ишлаш ҳамда ахборот, ахборот-таҳлилий, таҳлилий-танқидий материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, расмий баёноتلари ва маърузаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ҳукуматининг қарорлари ва уларнинг фаолиятига оид ахборотларни мунтазам ёритиб бориш;

республиканинг ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар ва янгиланишларни тезкор ёритиш;

жамоатчиликнинг катта қизиқишини уйғотаётган воқеаларнинг моҳияти бўйича фуқароларда холис фикрни шакллантириш ҳамда маълумотлар-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.

дан бузғунчи ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф этиш учун аҳолини бундай ходисалар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб бориш;

ахборот хуружлари ва мафкуравий тахдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда давлат органлари ва уларнинг ахборот хизматлари билан узвий ҳамкорлик қилиш ва улардан тизимли равишда статистик, таҳлилий ва бошқа турдаги маълумотларни олиш;

бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши учун юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий ва маданий ривожланишига оид маълумотлар (ахборот, фото ва видеоматериаллар) базасини шакллантириш;

ўқувчилар учун қулай ва қизиқарли шаклда Ўзбекистон халқининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, мамлакатнинг кўп йиллик тарихи ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини намойиш этишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

юртимизда юз бераётган ўзгаришларни дунёга кенг тарқатиш, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ходисалар ҳақида мамлакатимиз аҳолисига тезкор ахборот етказиб бериш, хориждаги ахборот агентликлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари, медиа-тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ЎЗА ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар бўйича фуқароларда холис фикрни шакллантириш, уларга ахборот-таҳлилий, шу жумладан, аудио ва видео ахборотлар етказиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ЎЗА таркибида Медиа марказ ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар Медиа марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ахборот-таҳлилий ва мультимедиа материаллар, эшиттириш ва кўрсатувлар, воқеа жойидан онлайн репортажлар тайёрлаш, аудио ва видео материалларни қайта ишлаш, уларни ЎЗАнинг веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларига белгиланган тартибда етказиб бериш;

ахборотни қайта ишлаш ва тарқатишнинг замонавий усулларидан, жумладан инфографика, моушн-графика, ижтимоий ролик, 360 форматдаги видео ва бошқалардан кенг фойдаланиш;

давлат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. ЎЗА ҳузурида унинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳамда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда — Маслаҳат кенгаши) тузилсин.

Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ЎЗА фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик фикрини таҳлил қилган ҳолда унинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда агентликнинг ахборот мақолидаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ЎЗА фаолиятининг ривожланиш даражасини ўрганиш, агентликка ме-

тодик тавсиялар бериш, унинг ишида юзага келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш режаларини белгилаш, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро ва хорижий ахборот агентликлари, хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига кўмаклашиш ва улар ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи коллегиял орган ҳисобланади;

Маслаҳат кенгашига ЎЗА бош директори раҳбарлик қилади ҳамда унинг таркиби оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил экспертлардан шакллантирилади;

Маслаҳат кенгаши таркибининг учдан бир қисми ҳар 2 йилда янгиланиб борилади.

ЎЗА бош директори (А. Кучимов) икки ҳафта муддатда Маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ходимларининг умумий чекланган сони 155 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 13 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қорақалпоғистон ахборот агентлиги (кейинги ўринларда — Қорақалпоғистон ахборот агентлиги) ходимларининг умумий чекланган сони 13 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 2 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

ЎЗА томонидан 2022 йил 31 декабрга қадар четдан олиб келинганда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиладиган техника воситалари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

ЎЗА бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

ЎЗА бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари эса тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра ЎЗА бош директори ўринбосарига тенглаштирилади.

8. Қўйидагилар ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

---

\* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. ЎЗА бош директорига:

а) ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги тузилмаси штатлар сонига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

б) ЎЗАнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

ижодий танловлар ўтказиш, танлов иштирокчи ва ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, ЎЗАнинг ходими бўлмаган фаол муаллифларни рағбатлантириш;

ЎЗА моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан уларга устамалар тўлаш;

зарур ҳолларда, минтақавий мухбирлик пунктларида қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

10. ЎЗА:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ЎЗА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлари ва штатлар жадвалини тасдиқласин;

2020 йил 1 майга қадар муддатда фойдаланувчилар учун қулай, аудио ва видео ахборотларни тарқатиш, тарқатилаётган ахборотларни тижорат йўли билан юклаб олиш имкониятлари мавжуд бўлган ЎЗАнинг ахборот порталини ишга туширсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ЎЗА билан биргаликда икки ой муддатда тегишлича:

Қорақалпоғистон ахборот агентлигини жойлаштириш учун бино ажратиш ва уни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг қўшимча манбалари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига таъмирлаш ва жиҳозлаш;

ЎЗАнинг вилоятлардаги минтақавий мухбирлик пунктларини ташкил этиш учун вилоятлар марказларидан зарур шарт-шароитларга эга бинолардан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жой ажратиш, уларни белгиланган тартибда таъмирлаш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

12. ЎЗА:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик

тўпламлари, шу жумладан уларнинг электрон шакллари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Ғуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатига мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнининг бориши ҳақидаги тадқиқот материалларини эълон қилиб бориш учун ЎЗАга доимий равишда тақдим қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЎЗАга жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари ва халқаро ахборот агентликлари уюшмалари билан ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. ЎЗА Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ЎЗАнинг ижодий ва техник ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2019 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарор мазмунидан келиб чиққан ҳолда бир ой муддатда ЎЗА тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин.

18. ЎЗА манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Ф.Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 декабрь,  
ПҚ-4541-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**892 Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва  
иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соф-  
ломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Ўтган давр мобайнида республикада иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш ҳамда аҳолини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Амалий чора-тадбирлар доирасида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ҳолати комплекс ўрганилди ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар синовдан ўтказилди.

Шу билан бирга, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи иссиқлик таъминоти тизимини комплекс модернизация қилиш ва энергия тежовчи замонавий технологиялар асосида унинг техник даражасини ошириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш, аҳолини иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш сифати ва даражасини яхшилаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ–2912-сон қарорига мувофиқ истеъмолчиларга иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни, шунингдек, ушбу соҳадаги бошқарувнинг самарали бозор механизмларини жорий этишга қаратилган 2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда;

Жаҳон банки иштирокида марказий қозонхоналар, иситиш тизимлари ҳамда тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишни, уйлар ва квартиралар ички иссиқлик таъминоти тизимларини ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимига ўтказган ҳолда тиклашни назарда тутувчи умумий қиймати 220,7 млн АҚШ доллари бўлган «Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси амалга оширилмоқда;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда иссиқлик манбаларининг иситиш ускуналарини когенерацион газ турбинаси технологиясини жорий этган ҳолда реконструкция қилишни, шунингдек, магистрал ва

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.



тақсимловчи иссиқлик тармоқларини алмаштиришни назарда тутувчи ҳисоб-китоб қиймати 780,4 млн АҚШ доллари бўлган «Бухоро, Фарғона, Қува-сой, Нукус ва Урганч шаҳарларида марказий қозонхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020-2021 йиллар иситиш мавсумидан бошлаб марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар иситиш даврининг ҳар бир кунига 1 кв.м иситиладиган майдон ҳисобида тўлаш тизимига ўтказилади;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб:

истеъмолчилар учун иссиқлик таъминоти хизматларига тарифларни шакллантириш ва белгилашда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тармоқларидаги йўқотишларни қисқартириш ҳисобига иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олинади, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар таннархини қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади;

аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги параметрларини шакллантиришда аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун 1-иловага\* мувофиқ зарур маблағларни назарда тутсин;

иссиқлик таъминоти соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари томонидан тегишли йил учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши бўйича чоралар кўрсин.

3. Белгилансинки, иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қуйидагилар учун жавобгардир:

иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан хизматлар тузиладиган шартномаларга мувофиқ кўрсатилишини, шунингдек, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси ва иссиқ сув узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тўловларнинг квартиралар ички ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичлари, истеъмолнинг норматив ҳажмлари ва квартиранинг иситиладиган майдони ўлчами асосида ўз вақтида ва тўлик ундирилишини таъминлашни, шунингдек, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини назорат қилиш;

иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмлари ҳақидаги ҳисобот ва ахборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сувни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

иссиқлик таъминоти тизими объектларининг ҳолати, фойдаланилиши ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши ва ўрнатилишини, шунингдек, иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан уларнинг пломбаланишини ташкил этиш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

б) Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган тадбирларнинг Тошкент шаҳрида амалга оширилиши учун жавобгардир.

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланиш бошқармасини тугатган ҳолда, иссиқлик таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш, шунингдек, уларнинг объектларидан ишончли ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун масъул бўлган Иссиқлик таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш бошқармаси ҳамда Иссиқлик таъминоти тизимларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бошқармасини ташкил этиш;

ресурс тежовчи замонавий технологияларни, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни инobatга олган ҳолда, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини 2019 — 2024 йилларда босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиш;

аҳолига иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни иссиқлик таъминоти корхоналари, истеъмолчилар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки профессионал бошқарув компаниялари ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар асосида, кўп квартирали уйлар бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилган тақдирда эса икки томонлама шартномалар асосида етказиб бериш тартибини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилансинки, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган янгидан ташкил этилаётган бошқармаларнинг штат бирликлари сони Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида шакллантирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2019 — 2022 йилларда республиканинг иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга қаратилган қўшимча чоратадбирларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига ушбу бандда назарда тутилган «Йўл харитаси»га киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Республиканинг иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ 4-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиш сарф-харажатларини камайтириш, магистрал ва уйларнинг ички иссиқлик таъминоти тармоқларида мавжуд йўқотишларни қисқартириш бўйича амалий чора-тадбирларни ташкил этиш;

иссиқлик таъминоти соҳасига замонавий технологиялар ва бошқарув усуллари, жумладан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда унинг истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими фаол жорий этилишини таъминлаш;

иссиқлик таъминоти соҳасида давлат тариф сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича ҳар томонлама таҳлил ўтказиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

иссиқлик таъминоти соҳасидаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

«Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш;

мазкур қарорда назарда тутилган вазифалар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

Ишчи гуруҳ (Б.А. Хўжаев) бир ой муддатда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

---

\* 2, 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан биргаликда 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда 5 ва 5а — 5н-иловаларга\* мувофиқ ҳудудларнинг иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга киритилган, ушбу йилларга режалаштирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун бюджет маблағларини назарда тутсин;

б) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

иссиқликни сақловчи, шу жумладан пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва химоя қобилига ўралган, каналсиз ётқизиш имконини берувчи қувурлар, шунингдек, индивидуал иссиқлик пунктлари ва уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш бўйича мавжуд салоҳият-ни ўргансин;

мавжуд хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, маҳаллийлаштирилиши лозим бўлган, иссиқлик таъминоти соҳасида фойдаланиладиган маҳсулотлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда 2020 — 2022 йилларда уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва қувватларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

2020-2021 йилларда 5 ва 5а — 5н-иловаларга мувофиқ ҳудудларнинг иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга киритилган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин;

ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент давлат техника университетидан (Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи негизидан) — иссиқлик таъминоти соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни (иссиқлик техникаси муҳандиси, муҳандис-метролог, энергия аудити муҳандиси, муҳандис-иқтисодчи) тизимли ўқитиш ва тайёрлашни;

соҳага оид таълим муассасаларида — замонавий ва инновацион ўқитиш усулларини қўллаган ҳолда, иссиқлик таъминоти объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида мутахассисларни касбга қайта тайёрлаш бўйича доимий ишлайдиган қисқа муддатли (3 ойдан

---

\* 5 — 5н-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12 ойгача) курсларни ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 декабрь,  
ПҚ-4542-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**893 Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш шaroитлари ва сифатини яхшилаш, шунингдек, уларга кўрсатиладиган уй-жой коммунал хизматлар даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банки ўртасида Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш юзасидан маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича битим тузилганлиги;

истеъмолчининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этган ҳолда Тошкент шаҳри бўйича Коммунал хизматларни бошқариш маркази ва коммунал корхоналарнинг биллинг тизимлари билан интеграциялаштирилган Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимини яратиш, кейинчалик ушбу тизимни республика бўйича оммалаштириш юзасидан чоралар кўриляётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2020 — 2022 йиллар учун Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизими самарадорлигининг асосий мақсадли индикаторлари (кейинги ўринларда — Мақсадли индикаторлар) 1 ва 1а-иловаларга\* мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Қўшимча чора-тадбирлар режаси) 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент шаҳар ҳокими, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Қўшимча чора-тадбирлар режасига киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, асосий мақсадли индикаторларни ўз ваколатлари доирасида бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Тошкент шаҳар ҳокими Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва унинг лозим даражада ишлаши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

б) Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари тегишли ҳудудда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш соҳасида қуйидагилар учун шахсан жавобгар ҳисобланади:

иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан хизматлар тузиладиган шартномаларга мувофиқ кўрсатилишини, шунингдек, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси ва иссиқ сув узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тўловларнинг квартиралар ички ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичлари, истеъмолнинг норматив ҳажмлари ва квартиранинг иситиладиган майдони ўлчами асосида ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлашга, шунингдек, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишига қўмаклашиш;

иссиқлик таъминоти тизими объектларининг ҳолати, фойдаланилиши ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши ва ўрнатилишини, шунингдек, иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан уларнинг пломбаланишини ташкил этиш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

в) Тошкент шаҳар туманлари ҳокимларининг иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш соҳасидаги фаолияти самарадорлиги тегишли ҳудудда мақсадли индикаторларнинг бажарилиши ҳолати ва кўрсатилаётган хизматлар сифатидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан йилига камида икки маротаба баҳоланади, шунингдек, масъул шахсларга нисбатан белгиланган тартибда рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб иссиқлик қувурлари-ни реконструкция қилишда мажбурий тартибда иссиқликни сақловчи, шу жумладан пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва ҳимоя қобиғига ўралган, каналсиз ётқизиш имконини берувчи қувурлар ишлатилади.

5. 2019 — 2022 йилларда Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ 3-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қўйидаги вазифалар юклатилсин:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиш сарф-харажатларини камайтириш, магистрал ва уйларнинг ички иссиқлик таъминоти тармоқларида мавжуд йўқотишларни қисқартириш бўйича амалий чора-тадбирларни ташкил этиш;

иссиқлик таъминоти соҳасига замонавий технологиялар ва бошқарув усуллари, жумладан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда унинг истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими фаол жорий этилишини таъминлаш;

иссиқлик таъминоти соҳасида давлат тариф сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича ҳар томонлама таҳлил ўтказиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

иссиқлик таъминоти соҳасидаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

Қўшимча чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш;

мазкур қарорда назарда тутилган вазифалар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

Ишчи гуруҳ (А.Ж. Раматов) бир ой муддатда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этсин.

6. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Кенгаш ва унинг доимий комиссиялари иш режаларини ишлаб чиқишда йилига камида икки мартаба:

иссиқлик таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини, шу жумладан аҳоли билан мулоқот қилиш орқали танқидий ўрғаниш бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишни;

ижро этувчи ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш соҳасидаги ишларнинг ҳолати, шунингдек, аҳолини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш сифати тўғрисидаги ахборотини эшитишни назарда тутиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда ҳар томонлама таҳлил асосида:

иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш, энергия ресурсларидан нооқилона фойдаланишга барҳам бериш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш соҳасидаги бошқа миқдор ва сифат кўрсаткичларини назарда тутувчи 2030 йил учун Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли мўлжалларни;

жойларда электр ва иссиқлик энергиясини комбинацияланган тарзда ишлаб чиқариш (когенерация) технологияларини жорий этишни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

замонавий ва инновацион ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришни инобатга олган ҳолда иссиқлик сақлайдиган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш стандартларини қайта кўриб чиқиш;

кўп квартиралли уйларни қуришда иссиқликни сақлаш даражасини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда истеъмолчиларнинг юкламалари ва иссиқлик энергияси манбаларининг қувватлари балансини хатловдан ўтказиш асосида ортиқча қувватларни мақбуллаштириш чораларини кўрсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.О. Ортиқхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 декабрь,  
ПҚ-4543-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**894 Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3487-сон қарори билан тасдиқланган стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар:

энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга оширишдан олдин давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштиради. Бунда эълонда харид комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиб олишнинг ўн беш кундан кам бўлмаган сўнгги муддати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг 52-моддасида назарда тутилган ахборот бўлиши керак;

харид комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича баёнини у расмийлаштирилган куни давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида икки иш куни муддатга жамоатчилик муҳокамасига жойлаштиради;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномалар тўғрисида маълумотларни улар тузилган санадан бошлаб уч иш кундан кечиктирмасдан белгиланган тартибда давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестрига киритади;

харидларни электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали қонунда белгиланган мезонларга мувофиқ амалга оширишга ҳақли.

2. Танлов ва тендер савдолари орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклга ўтказиш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2020 йил 1 январдан бош-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаб давлат буюртмачиларига электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда, давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш ҳуқуқи берилади. Бунда, электрон дўконнинг қўшимча саҳифасида харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, давлат буюртмачиси электрон дўконнинг асосий саҳифасидан фойдаланмасдан мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга ҳақли эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамияти билан биргаликда бир ой муддатда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидаги электрон дўкон савдо майдончасида давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириш имкониятини берувчи қўшимча саҳифа яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 январдан бошлаб Молия органлари ва бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази базасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари учун ўқув жараёнига соҳадаги етакчи мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус курслар ташкил қилсин.

7. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги маблағларига нисбатан Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақлари очиш орқали ғазна ижроси механизми жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 декабрь,  
ПҚ-4544-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги  
ПҚ-4544-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сон қарорига:

а) 2-бандда:

олтинчи хатбоши «бюджет» сўзидан кейин «tizими бюджетлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн биринчи хатбошидан «ва маҳаллий кичик тadbиркорлик субъектларига ажратилаётган квоталарнинг бажарилиши» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«бюджет ташкилотларининг чет эл валютасидаги даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш ҳамда мақсадли ишлатилишини таъминлаш;

валюта маблағлари ҳисобидан жалб қилинган халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарзлари (кредитлари)ни қайтариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан Молия вазирлиги томонидан тўловлари амалга оширилаётган халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;

валюта маблағларини бошқариш, чет эл валютасидаги маблағларни депозитларга жойлаштириш ҳамда бюджет ссудаси ва субсидияларини ажратиш»;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «вазирлигининг ғазначилик» сўзлари «вазирлиги Ғазначилиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «бюджет ташкилотларининг» ва «Давлат бюджетини» сўзлари тегишли равишда «бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан» ва «бюджет тизими бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет» сўзлари «бюджет тизими бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 9-банддаги «вазирлигининг Ғазначилиги Тошкент шаҳар, Х. Сулаймонова кўчаси» сўзлари «вазирлиги Ғазначилиги Тошкент шаҳар, Истиклол кўчаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрда-

ги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2414-сон қарорининг рус тили матнидаги 1-банднинг тўртинчи, еттинчи — тўққизинчи ва ўн биринчи хатбошиларида ҳамда 3-банднинг тўртинчи хатбошисидан «и государственных закупок» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3487-сон қарорида:

- а) 1-банддан иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
- б) илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг  
алоҳида тартиби белгиланадиган, хўжалик жамиятлари ва  
стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг  
РЎЙХАТИ**

1. «Навой КМК» ДК
2. «Олмалиқ КМК» АЖ
3. «Ўзбекнефтгаз» АЖ
4. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ
5. «Худудий электр тармоқлари» АЖ
6. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ
7. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
8. «Ўзкимёсаноат» АЖ
9. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
10. «Ўзбеккўмир» АЖ
11. «Uzbekistan Airways» АЖ
12. «Uzbekistan Airports» АЖ
13. «Ўзбектелеком» АК
14. «Ўзавтосаноат» АЖ
15. «Ўзпахтасаноат» АЖ
16. «Ўзтрансгаз» АЖ
17. «Ўзбекгеофизика» АЖ
18. «Dori-Darmon» АК
19. «Ўзметкомбинат» АЖ
20. «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ
21. «Давлат белгиси» ДИЧБ (Тошкент босма фабрикаси, Тошкент қоғоз фабрикаси ва Тошкент зарбхонаси)
22. Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси «Геолтехтаъминот» давлат корхонаси».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3720-сон қарорида:

- а) 10-бандда:

учинчи — бешинчи хатбошилардаги «ҳамда давлат харидлари соҳаларида» сўзлари «соҳасида» сўзи билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «бошқаруви ҳамда давлат харидларининг» сўзлари «бошқарувининг» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг учинчи хатбошисидаги «ҳамда давлат харидлари соҳалари» сўзлари «соҳаси» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 13-банддан «ҳамда давлат харидлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3930-сон қарорида:

а) номидан ва муқаддимадан «ва давлат харидлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ва харид» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3953-сон қарорига иловада:

а) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Аввал тузилган шартномалардаги етказиб берувчилар билан алоқа, интернет ва телерадиоузатиш хизматлари бўйича харидлар»;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиниши»;

в) 29-банд «қўшимча» сўзидан кейин «иш ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 34 ва 35-бандлар билан тўлдирилсин:

«34. Ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан, улар учун белгиланган тартибда ажратилган квоталар доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш.

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси тузилмасига кирадиган давлат резиденциялари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ҳукумат қарорлари ва топшириқлари асосида, шу жумладан пудратчилар томонидан, ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги  
ПҚ-4544-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарорига 31-илованинг 7-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарорига 31-илованинг 11-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сон қарорига 31-илованинг 13-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини кенг жалб қилиш тўғрисида»ги ПҚ-1475-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сон қарорига 36-илованинг 8-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сон қарорига 5-илованинг 8-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУҒИ****895** **Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5706-сон «Ўзбекистон Республикасида фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4276-сон «Фавкулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 21 ноябрдаги 136-сон буйруғи (рўйхат рақами 2532, 2013 йил 3 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 49-сон, 637-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Вазир в. б.**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 октябрь,  
546-сон

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил  
29 октябрдаги 546-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни  
ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ва Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳамда уларнинг қўйи» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг давлат ёнғин назоратини амалга ошириш ваколатига эга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банддаги «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (вилоятлар комиссиялари)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш санаси, кўрик ўтказиладиган объектлар тадбиркорлик субъектига бир ҳафта олдин мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги билдиришномани тилхат билан топшириш орқали маълум қилинади.»

4. 7-банддаги «ўтказиш санасидан ўн кун олдин» деган сўзлар «ўтказиладиган кунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Умумхалқ ва диний байрамлар, халқаро ва республика спорт мусобақалари, форумлари, юқори мартабали чет эл делегацияларининг ташрифи билан боғлиқ ҳамда сиёсий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ташкил қилиш вақтида ушбу тадбирлар бўлиб ўтадиган объектда ва унинг 150 метр радиусида жойлашган объектларда, шунингдек мавсум бошланишидан олдин болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида қўшимча равишда ёнғин-профилактика кўриги ўтказилиши мумкин.»

6. 11-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«доимий тарзда юз нафар ва ундан кўп кишилар жойлашишига мўлжалланган даволаш ва соғломлаштириш муассасалари;

деҳқон (озиқ-овқат), ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари, савдо-кўнгилочар мажмуалар (савдо комплекслари).».

7. 12-бандда:

учинчи хатбошидаги «нафар ва ундан кўп» деган сўзлар «нафардан юз нафаргача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.



8. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Давлат ёнғин назорати органларининг мансабдор шахслари ўзларига бириктирилган ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларнинг ёнғин хавфлилигига кўра гуруҳларга бўлинган рўйхатини шакллантиради. Ушбу рўйхат асосида ёнғин-профилактика кўриклари ўтказиладиган объектлар давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда ойлик иш режа-жадвалига киритилади.

Ёнғин-профилактика кўрикларини режалаштиришда мазкур Низомнинг 14-банди талаблари, бириктирилган ҳудудда ўтказиладиган мавсумий тадбирлар ва содир бўлган ёнғинлар инобатга олиниши лозим.

Давлат ёнғин назорати органлари томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектига тегишли объектларда бир йил давомида ёнғин-профилактика кўриги ўтказилмайди.».

9. 18-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ёнғин-профилактика кўриги ўтказилаётган тадбиркорлик субъектига тегишли объектдан ёки унинг бир қисмидан келишув (шартнома) асосида бошқа тадбиркорлик субъекти (тадбиркорлик субъектлари) фойдаланаётганлигидан қатъи назар, у тўлиқ ёнғин-профилактика кўригидан ўтказилади.».

10. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати уларнинг ёнғин хавфлилигидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъекти билан келишилган ҳолда белгиланади. Тадбиркорлик субъектининг камчиликларни тўлиқ бартараф этганлиги ҳақидаги мурожаати асосида давлат ёнғин назорати органи жойига чиққан ҳолда қилинган ишларни ўрганиши ва бу ҳақда маълумотнома тузиши шарт. Камчиликлар тўлиқ бартараф этилган тақдирда ушбу тадбиркорлик субъектига тегишли объектда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш юзасидан таклиф киритилмайди.».

11. 2-иловадаги «кўрик ўтказиш санасидан ўн кун олдин» деган сўзлар «кўрик ўтказиладиган кунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Қурилиш вазири**

*2019 йил 25 октябрь*

**Б. ЗАКИРОВ**

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

*2019 йил 25 октябрь*

**А. ИКРАМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 896 Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 30-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2921, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 935-модда) билан тасдиқланган Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 30-банди учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг минтакавий кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби спортчиларига иккинчи ва учинчи спорт разрядлари, ўсмирлар учун биринчи, иккинчи ва учинчи спорт разрядлари — қатъий равишда ушбу ташкилотлар томонидан спортчилар тренерларининг тақдимномаларига асосан, шунингдек, академик лицейлар, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасаларининг спортчиларига биринчи спорт разряди — қатъий равишда Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси, иккинчи ва учинчи спорт разрядлари — қатъий равишда Ўзбекистон талабалар спорти ассоциациясининг минтакавий бўлимлари томонидан спортчилар тренерларининг тақдимномаларига асосан;».

2. Мазкур буйруқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. НАБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 1 ноябрь,  
8-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.

Келишилган:

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**И. МАДЖИДОВ**

*2019 йил 1 ноябрь*

*Ўзбекистон талабалар спорти  
Ассоциацияси раисининг  
биринчи ўринбосари*

**Э. ҚОДИРОВ**

*2019 йил 1 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**897** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига  
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ–530-сон «Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ–4056-сон «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сон буйруғи (рўйхат рақами 2456, 2013 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 декабрда эълон қилинган.

тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 18 ноябрь,  
390-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2019 йил  
18 ноябрдаги 390-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов  
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига киритилаётган  
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ТҲга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Бунда ТҲ маъмурияти томонидан уларнинг хавфсизлиги таъминланади.»

2. 166-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«166. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ТҲларга монеликсиз кириш, шунингдек ТҲда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга.»

3. 167-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«167. ТҲ маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ТҲда сақланаётган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашуви ҳамда суҳбати учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.»

4. 168-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«168. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ТХда сақланаётган шахс билан учрашувлари ва суҳбатлари ТХ ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.».

5. Қуйидаги мазмундаги 205<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«205<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг жавоби ТХ маъмурияти томонидан кўздан кечирилиши мумкин эмас ва аризачига дарҳол етказиб берилади.».

6. 206-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«206. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ёки терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар берилган кундан кейинги иш қунидан кечиктирмай ТХ маъмурияти томонидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органга, суриштирув органига, тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар эса юқори турувчи прокурорга юборилади ёки топширилади.».

7. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий суд билан келишилган.

*Бош прокурор*

*Н. ЙЎЛДОШЕВ*

*2019 йил 11 ноябрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2019 йил 11 ноябрь*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Н. ХУСАНОВ*

*2019 йил 11 ноябрь*

*Олий суд раиси*

*К. КАМИЛОВ*

*2019 йил 11 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**898** Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш-  
лар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2899-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ–4059-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 348-сон «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 20 июндаги 411-сон буйруғи (рўйхат рақами 2899, 2017 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 718-модда) билан тасдиқланган Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Д. САТТАРОВ**

Тошкент ш,  
2019 йил 14 ноябрь,  
147-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги  
бош директорининг 2019 йил 14 ноябрдаги  
147-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Аттестация комиссияси Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юри-тилади) бош директорининг буйруғига асосан Агентлик, Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департа-менти, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази, «Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузу-ридаги Аккредитация маркази» ДУК, Ўзбекистон миллий метрология инсти-тути ва Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тар-тибга солиш илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари орасидан ка-мида тўққиз аъзодан иборат таркибда тузилади.».

2. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Апелляция комиссияси аттестация комиссияси таркибига кирма-ган Агентлик, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази, Стандарт-лаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш ил-мий-тадқиқот институти, «Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Аккредитация маркази» ДУК ва мувофиқликни баҳолаш органларининг мутахассисларидан беш кишидан иборат таркибда тузилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 899 Қимматли қоғозлар муомаласининг махсус тартиб- ни ўрнатиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3199*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, қимматли қоғозларнинг муомаласига, давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно, фақатгина уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштириш тугаганидан сўнг йўл қўйилади.

2. Мазкур буйруқ кучга киргунга қадар чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга мазкур буйруқ татбиқ этилмайди.

3. Қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари икки ҳафта муддатда ўзларининг ички ҳужжатларини ушбу буйруққа мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 18 ноябрь,  
2019-61-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 декабрда эълон қилинган.



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 30 ноябрдан 6 декабргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 29 октябрдаги 546-сон «Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 1 ноябрдаги 8-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 30-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-3.**

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 18 ноябрдаги 390-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-5.**

4. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 14 ноябрдаги 147-сон «Сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2899-1.**

5. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 18 ноябрдаги 2019-61-сон «Қимматли қоғозлар муомаласининг махсус тартибини ўрнатиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3199.**

